



## ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ АГРАР МУНОСАБАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Бойқабиллов Абубакир Адилбоевич**

*Шароф Рашидов номидаги самарқанд Давлат Унверситетини Тарих*

*факултети Магистранти*

*Телефон +998972879187*

**Аннотатсия:** *Мазкур мақолада Туркистон ўлкасидаги ер эгаллиги ва мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар, ўлкадаги сув манбалари ва ирригация ишлари тахлил этилган.*

**Калит сузлар:** *Туркистон, ер-мулк, амлок, Вақф.*

Ўлкада империя ҳукуматининг ўз бошқарув тизими ўрнатилгандан сўнг асосий даромад манбаларидан бири сифатида ер-сув масаласига алоҳида эътибор берилди. Маҳаллий аҳолининг ерга бўлган ҳуқуқи қайта кўриб чиқилди, бунда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” лойиҳалари муҳим роль ўйнади. 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг 255-бандида “Қишлоқларнинг ўтрок аҳолиси авлод-аждодлари билан доимий эга бўлиб келган, маҳаллий одатга асосланган ҳолда фойдаланган ёки тасарруф қилинган (амлок) ерлар мазкур ҚИШЛОҚ, аҳолисиники деб ҳисобланади”<sup>19</sup>, - деб таъкидланган.

Ўлкада ер-мулк масалаларини ҳал этиш учун, аввало, ер эгаллиги муносабатларини урганиш керак бўлган<sup>20</sup>. Ўлкадаги “амлок” ерлари хон ёки амирга тегишли давлат ерларидан хирож солиғи олинган. Ер эгаллигининг яна бир шакли “мулк” ерлари бўлиб, улар хусусий бўлган. Мулк ерлари бутунлай ёки баъзилари маълум миқдорда хирож ва бошқа солиқлардан озод этилган<sup>21</sup>. Мулк ерлари, ўз навбатида, бир неча турларга: мулки хурри холис, мулки ушр ва мулки хирож ер ларига бўлинган. Мулки хурри холис ер эгалари давлат хазинасига солиқ тўламаганлар. Бу ер майдонлари илгари фойдаланилмаган ерлардан ажратиб берилиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Мулк ерларини деҳдонлар ижара шаклида ишлатганлар. Мулк ерларининг яна бир тури “мулки хирож” ёки “хирож ерлари” деб ҳам аталган<sup>22</sup>. Вақф ерлари эса диний муассасалар тасарруфидаги ерлар бўлган<sup>20</sup>.

---

Beatrice Penati. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880-1915) / Central Asian Survey, 2010. March. Vol. 29. No. 1. - P. 61-78; Beatrice Penati. The Cotton Boom and the Land Tax in Russian Turkestan (1880-1915) / Explorations in Russian and Eurasian History,

2013. Vol. 14. Number 4. - P. 741-774; Paolo Sartoria. Colonial legislation meets sharia: Muslims' land rights in Russian Turkestan / Central Asian Survey, 2010. March. Vol. 29. No. 1. - P. 43-60; Daniel Pipes. The Third World Peoples of Soviet Central Asia. - San-Francisco: Institute for contemporary studies, 1978. - P. 183-203; Rhineland L.H. Russia's Imperial Policy. The Administration of the Caucasus in the first Half of the XIX<sup>th</sup> century. - Canadian Slavonic Papers,

Вақф бу - мусодара этилмайдиган, сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлмаган мулклар қаторига кирган.

1880-1890 йилларда Россия империяси идоралари вақф мулкларини

“тартибга солиш”, қайта рўйхатдан ўтказиш мақсадида Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида жуда кўп вақф мулкларини иоконуний деб топди. Маъмурият вақф назорати ва бошқарувиини “енгиллаштириш” мақсадида қатор тафтиш комиссияларини ташкил этди. Тафтиш ишлари 1886 йил 17 ноябрда қабул қилинган Туркистон ўлкасидаги вақф хўжаликларининг мулклари ва уларга тегишли хужжатларни 1887 йил 1 июлга қадар текшириш ва тартибга солиш ҳақидаги қарор билан боғлиқ бўлди<sup>1</sup>. Унга кўра, маҳаллий аҳоли 1887 йил июлига қадар вақфга оид хужжатларни тегишли ҳудуд ер-солик комиссиясига топшириши, тақдим қилинмаган хужжатлар ўз аҳдмиятини йўқотиши белгиланди. 1887 йилда маъмуриятга Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўйича 7 509 та вақф хужжати топширилди, шундан 10 % и (737 таси) хукмдорлар ёрлиги билан тасдиқланган, яъни империя маъмурияти талаб қилган юридик хужжатларга эга эди<sup>2</sup>. XIX асрнинг 80-90-йилларида вақф мулкларини оммавий тарзда тафтиш қилиш вақтида вақф хўжаликларини бутунлай тугатиш ва давлат фойдасига солиққа тортиш билан яқунланди. Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларида ҳам вақф хўжаликларига берилган маҳаллий хукмдорларнинг солиқлардан озод қилиш ва имтиёзлар ҳақидаги ёрлиқлари турли баҳоналар билан инобатга олинмади. Бундай вазиятларда вақф хўжаликларининг имтиёзлари бекор қилиниб, давлат фойдасига солиқ белгиланди<sup>3</sup>.

Ўлкадаги аграр сиёсат ирригация ва мелиорация ишларини ҳам доимий назоратда ушлаб туришни талаб этди. Туркистонда асосий суғориш

тармоқлари Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Қорадарё, Норин каби дарёлар бўлиб, улар ўлканинг воҳа ва водийларида дехқончилик қилиш учун асосий сув таъминоти манбалари бўлган. Бу ҳақда И.Гейер “Туркистон ўлкасида сунбий суғориладиган ерларга сув манбалари тоғлардан оқиб тушадиган дарёлар, сон-саноксиз сойлар ва кунлик сув тушиши озми-кўпми ахамиятга эга булоқлар орқали келган”<sup>4</sup> деб ёзади.

ўлка сунбий суғориладиган ерлар бўйича дунёда Хиндистондан кейин иккинчи ўринда турган. Бу ерлар майдони 1 874 900 десятинани ташкил этиб, вилоятлар бўйича бу Фарғона вилоятига 947 700 десятина, Самарқанд вилоятига 401 200 десятина, Сирдарё вилоятига 526 000 десятинага тўғри келган<sup>5</sup>. Барча суғориладиган ерлар сувни тоғлардан келадиган дарёлар орқали олган. Суғорма дехқончиликда икки дарё - Амударё ва Сирдарёнинг роли катта бўлган ва Ўрта Осиё халқлари ҳаётида муҳим роль ўйнаган<sup>6</sup>.

Ўлканинг суғорма дехқончиликка асослашган Фарғона вилоятидаги ерлар, асосан, Норин, Қорадарё, Сирдарё ва Қизилсув (Олой водийси) сувлари орқали суғорилган<sup>7</sup>. Шунингдек, Наманган уездида Хасансой, Олмоссой, Муллаамир ва бошқалар, Марғилонда Исфайрам, Қўқонда Сух, Исфара дарёларида сув олинган<sup>8</sup>. Хужабохиргои, Шохимардон, Аравон, Одбуйра, Куршоб, Косонсой, Ашт каби йирик сойлар бўлиб, уларнинг ёнбағирларидаги дехқончилик воҳаларида жойлашган ерлар эса унумдор ҳамда серхосиллиги билан ажралиб турган<sup>9</sup>.

А.И.Шахназаровнинг маълумотларида Фарғона водийсини сув билан

Норин, Қорадарё, Кугартсой, Бозорқургонсой, Испаскентсой, Пошшаота, Сух, Учдургонсой, Шохимардонсой, Исфара, Одбура, Аравонсой ва Тенгизота дарёлари таминлаганлиги кўрсатилган. Норин дарёсининг чап қирғоғидан Учқўрғон, Қизилаулоқ, Тут, асосий Кайки, иккинчи Кайки - Ҳақйўлобод, ўнг қирғоғидан Янгиарик, Караспан, Рустамоғалик, Кунтугал, Зарбанд, Давлатбой, Назарулдихон, Жидакенин ариқлари сув олганини ёзади. Бу ариқлар Норин дарёсидан 4 000 минг куб фут сув олиб, 35000 десятина ерни суғорган. Қорадарёнинг Норин дарёсига нисбатан суви кам бўлса-да, унинг сувларидан ҳам кўпгина ерларни суғоришда фойдаланилган. Бу дарёдан секундига 5800 куб фут сув оқиб ўтган. Дарёнинг бошланиши чап қирғоғидан Шахрихонсой, Андижонсой, Улуғнор каналлари сув ичган, ўнг қирғоғидан Насриддинбекчек, Ққхонхишлоқ, Дахқулобод, Хайробо

каналлари сув олган. Бу каналлар суғориш ишлари энг авжига чиққан вақтида дарёдан 10000 куб фут сув олган<sup>10</sup>. И.И.Гейернинг ёзишича, XIX аср охири - XX аср бошларида сунъий суғориш тармоқлари яхши ривожланган Фарғона водийсида Норин дарёсидан 14 та, Корадарёдан 50 дан зиёд канал чиқарилган<sup>11</sup>. Бу сув иншоотларини қуришда маҳаллий аҳолининг тажрибаси ва меҳнатидан кенг фойдаланилган.

Рус ирригаторлари ўлка худудидаги сув иншоотларини назорат қилиб боришганини ҳам такидлаш лозим. Масалан, ирригатор -муҳандис Г.Сваричевский 1908 йил Тошкент уездидаги ариқлар, хусусан, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғини тошқинлардан сақлаш, Искандар ва Хоним ариқларида тозалаш ишларини амалга ошириш мақсадида Сирдарё вилояти харбий губернаторидан 10 189 рубль 50 копейк ажратишни суради. Харбий губернаторлик Чирчиқ дарёси бўйларидаги Искандар ва Хоним ариқларини таъмирлаш вақтида ариқларнинг ёпилиши муносабати билан шу атрофдаги Кауфманский, Константиновский, Троицкий поселкалари, Тошкент гарнизони ҳамда Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги Каттатепа, Жумантепа, Гиботин волостлари сувсиз қолиши эҳтимолидан ҳамда Чирчиқ; дарёсида сув кўпаймасдан аввал таъмирлаш ишлариини бошлашга сўралган маблағни ажратиб беради<sup>33</sup>. Лекин булар ўлкада суғориш ишларини яхшилаш учун етарли даражада эмас эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида номи келтирилган иккала ариқ деярли рус аҳолиси манфаатлари учун хизмат қилган.

Зарафшон водийсида ҳам дехқончиликнинг ривожланиши учун қулай шароитлар бўлиб, бу дарёдан қазилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 269 минг десятинаси Бухоро амирлигига, 130 минг десятинаси Самарқанд вилоятига тўғри келган<sup>12 13</sup>. Сунъий суғориладиган ерларнинг 269 минг десятинаси Зарафшон дарёси бўйларида бўлган<sup>14</sup>. Ариқ ва каналларга вилоятнинг асосий сув манбаси бўлган Зарафшон дарёсидан ёки ундан ажралиб чиққан Корадарё, Оқдарё, Нарпай ва бошқа сув тармоқларидан суғорилган. Бундай тадбирлар Самарқанд вилояти ерларининг серхосил бўлишига имкон берган<sup>15</sup>.

1888 йилги Самарқанд вилояти харбий губернаторининг Россия Харбий вазирлигига юборган хисоботи бўйича Зарафшон дарёсидан жами 142 та магистрал канал орқали сув олинган бўлиб, шундан 99 таси Самарқанд

вилояти ва 43 таси Бухоро амирлиги хуудларини сув билан таъминлаган. Зарафшон воҳаси бўйича хаммаси бўлиб 1 924 та иккинчи даражали каналдан 985 таси Самарқанд қисмида ва 939 таси Бухоро қисмида жойлашган<sup>16</sup>. А.И.Шахназаровнинг маълумотларига кўра, Зарафшон дарёси 176 верст узунликдаги ерларга 270 сажен сув бериб, Самарқанднинг куйи қисмигача борган. Самарқанд вилоятининг ўзи яна Фандарё, Ягнобдарё, Искандардарё, Магиёндарё, Пасруда, Қуштутдарё, Вору, Ахтуч, Сангар, Оксув, Хужабокиргон дарёлар орқали хам сув олган<sup>17</sup>.

Сирдарё вилоятидаги суғориладиган ерларни Сирдарё, Чирчик, Ангрен, Арис, Бодом, Бурижар, Чаён, Талас дарёлари сув билан таъминлаган. Биргина Чирчик (Сирдарёнинг ўнг ирмоғи) дарёси бўйидаги суғориладиган ерлар 281 828 десятина ер ёки бутун суғориладиган ерларнинг 53,6 фоизини ташкил этган<sup>18</sup>. Вилоятнинг асосий сув манбаи Сирдарё бўлиб, Норин ва Қорадарёларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Унинг ирригация тармоқларидан сув ичадиган ерлар кўп бўлган, Чирчик, Охангарон, Келес, Арис каби йирик ирмоқлари вилоятнинг катта қисмини сув билан таъминлаган<sup>43</sup>.

Умуман, ўлка деҳқончилик анъаналари ва сувдан фойдаланиш йуллари маҳаллий аҳоли учун жуда катта меҳнат талаб қилса-да, жамоа бўлиб сувдан фойдаланиш йуллари сақлаб қолинди. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг генерал-губернаторлик ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган холда деҳқончилик, ирригация ишлари билан яқиндан шуғулланиш мақсадида турли комиссиялар фаолиятини йўлга қўйди.

### Фойдаланган адабиётлар:

1975. Уо1. XVII. - Р. 218; Абашин С. Центральная Азия в составе Российской империи / Отв. ред. С.Н.Абашин. - М., 2008. - 451 с.; Васильев Д.В. Организация и функционирование главного управления в Туркестанском генерал-губернаторстве (1865-1884 гг.) // Вестник Московского университета. Серия История. - М., 1999. - № 3. - С. 48-63; Шушкова М.Е. Организация управления Туркестаном в начале XX века. Дисс. ... канд. ист. наук. - М., 2015. - 287 с.

<sup>41</sup> Уша асар. - С. 87.

- <sup>18</sup> Узбекистан ССР тарихи / И.М.Муминов тахрири остида. Т. II. - Тошкент: Фан, 1971. - 51 б.
- <sup>19</sup> УзМА, И-1-фонд, 12-руйхат, 923-йигмажилд, 46-орда варак.
- <sup>20</sup> УзМА, И-1-фонд, 12-руйхат, 923-йигмажилд, 47-варак.
- 22 Аминов О. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). - Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1959.-С. 31.
- 23 УзМА, И-1-фонд, 12-руйхат, 923-йигмажилд, 47-варак.
- 24 УзМА, И-17-фонд, 1-руйхат, 13271-йигмажилд, 21-22-вараклар.
- 25 Набиев Р.Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. - Ташкент, 2010. - С. 10.
- 26 Султонов У.А. Тошкент вакф хужалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (ХУ1-XX аср бошларига оид тарихий хужжатлар асосида): Тарих файл. докт. (О8с) дисс. - Тошкент, 2016. - 221 б.
- 27 Гейер И.И. Туркестан. - Ташкент: Типограф1я Туркестанскаго Т-ва. печатнаго дела, 1909. - С. 54.
- 28 Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб.: Типогр. В.Е. Киршбауна, 1908. - С.
- 29 Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. Сыр-Дарвинская область. Часть 1-11. - СПб., 1898. - С. 3.
- 30 Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Издашь Ферганскимъ областными Статисгическимъ комитетомъ. - Новый Маргеланъ, 1905. - С. 4.
- 31 Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб.: Типогр. В.Е. Киршбауна, 1908. - С.
- 33 Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб.: Типогр. В.Е. Киршбауна, 1908. - С. 106.
- 34 Гейер И.И. Туркестан. - Ташкент: Типограф1я Туркестанскаго Т-ва печатнаго дела, 1909. - С. 56-57.